

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ХАМДА  
ЎЗБЕКИСТОН СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ  
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА ЙИГИЛИШИ

Қ А Р О Р И

“01” апрель 2025 йил.

№ 8

Қарши ш.

“01” апрель 2025 йил.

№ 15-57“с”

Қарши ш.

Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят Кенгаши ўртасида 2024-2026 йиллар учун тузилган Худудий жамоа Келишувининг 2024 йилда бажарилиши якунлари ҳамда 2025 йил учун ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят Кенгаши ўртасида 2024-2026 йиллар учун тузилган ҳамда тасдиқланган Худудий жамоа Келишувининг бандларини 2024 йил давомида бажарилиши якунлари ҳамда 2025 йил учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи юзасидан бошқарма тиббий хайъати ҳамда вилоят Кенгаши аъзолари таркибидан тузилган ҳамда қўшма йигилиш қарори билан тасдиқланган икки томонлама вилоят “ишчи комиссия”си томонидан соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий маърифий, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ифода этиш, иш жойларидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш йўлида худудий жамоа келишуви ҳамда тиббиёт муассасаларида қабул қилинган ва тасдиқланган жамоа шарномаларда белгиланган бандларни бажарилиши юзасидан самарали назорат қилиб бордилар. Бажарилмай қолган бандлари юзасидан тегишли далолатномалар тузиб, иш берувчилар томонидан келгуси йилда бажарилишига эришишлари юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб олиш, йўл қўйилган камчиликларни жойида бартараф этиш, келгуси йилда тўлиқ бажариб бориш тизими соғлиқни сақлаш муассасаларида самарали йўлга қўйилган.

Меҳнат Қонунчилигидаги айрим ўзгаришларни инобатга олиб, бошқарма ҳамда вилоят Кенгаши ўртасида 2024-2026-йиллар учун тузилган ва тасдиқланган Худудий жамоа Келишувига 2025 йил учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида йигилиш иштирокчиларига тегишли таклифларни билдириш билан бирга, худудий жамоа келишувининг мазмуни ва моҳияти ҳақида ҳам тушунчалар берилди.

Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тиббий хайъати ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилояти Кенгаши ўртасида 2024-2026 йиллар учун тузилган Худудий жамоа келишувининг 2024 йилда бажарилиши якунлари бўйича бошқарма бошлиғи ҳамда вилоят Кенгаши раиси ҳисоботлари тингланди. Худудий жамоа келишувининг ҳар бир бандини бажарилиши муҳокама этилди. Бажарилмай қолган айрим бандларни келгуси йилда бажарилиши бўйича иш берувчиларга тегишли вазифалар белгиланди.

Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тиббий хайъати ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши ўртасида тузилган ва тасдиқланган амалдаги Худудий жамоа Келишувининг 2024 йилда бажарилиши якуни тўғрисида бошқарма бошлиғи А.Ш.Бобоев ҳамда вилоят Кенгаши раиси Д.А.Тухтаевлар тегишли ҳисоботлар бердилар.

Ҳар икки томон берган ҳисоботларни инобатга олиб, Худудий жамоа Келишувининг бажарилишини назорат қилувчи икки томонламан вилоят ишчи комиссияси томонидан худудий келишувининг 2024 йилда бажарилиши якунлари юзасидан тузган ўрганиш далолатномаси ҳам ўқиб эшиттирилди. Далолатномада келтирилган камчиликлар ҳамда айрим бандларни айрим тиббиёт муассасаларида бажарилмай қолиши сабаблари муҳокама этилди ва келгусида бажарилишини таъминлаш юзасидан мутассадиларга тегишли вазифалар берилди.

Меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, Қонун ижодкорлиги, айрим қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилаётганлиги янги Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгаришлар ёки тармоқ тизимидаги ислохотларни инобатга олиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2025-2027 йиллар учун тузилган ва тасдиқланган Гармок жамоа келишувида белгиланган бандларни бажарилишига эришиш мақсадида, ҳудудий жамоа келишувига ҳам 2025 йил учун тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида берилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, киритилиши лозим бўлган қўшимча ва ўзгартиришлар лойиҳасини икки томонлама вилоят ишчи комиссияси томонидан такомилга етказилганлиги ҳамда қўшма йиғилиш қарори билан қабул қилиш ва тасдиқлаш таклифи киритилди.

Бошқарма ҳамда вилоят Кенгаши ўртасида 2024-2026 йиллар учун тузилган Ҳудудий жамоа Келишувига 2025 йил учун ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳа ўқиб эшиттирилди ва қабул қилиш ва тасдиқлаш таклифи берилди.

Берилган таклиф ва тавсияларни йиғилиш иштирокчилари томонидан ўрганиб чиқиб, берилган таклифларни қўллаб-қувватланди. Амалдаги Ҳудудий жамоа келишувига 2025 йил учун киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар лойиҳаси бир овоздан маъқулланди.

Меҳнат Қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликларни инобатга олиб, бошқарма ҳамда вилоят Кенгаши ўртасидаги 2024-2026 йиллар учун тузилган Ҳудудий жамоа келишувининг 2024 йилда бажарилиши якуни ҳамда 2025 йил учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қўшма йиғилиш қарор қилди:

1. Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (иш берувчилар вакили) ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят Кенгаши (ҳодимлар вакили) ўртасидаги 2024-2026-йиллар учун тузилган ва тасдиқланган амалдаги Ҳудудий жамоа Келишувининг 2024 йилда бажарилиши якуни бўйича бошқарма бошлиғи (А.Ш.Бобоев) ҳамда вилоят Кенгаши раиси (Д.А.Тухтаева)лар берган ҳисоботларини ҳамда икки томонлама вилоят ишчи комиссиясининг тузган далолатномаларини асос учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

2. Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят Кенгаши ўртасида 2024-2026-йиллар учун тузилган, амалда бўлиб турган Ҳудудий жамоа Келишуви асосида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ифода этиш борасида 2024 йил давомида бажарилиши якуни «Қонинқарли» деб топилсин.

3. Меҳнат Қонунчилигидаги ислохотлар, Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги Ҳудудий жамоа Келишувига 2025 йил учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида берилган таклиф ва тавсияларни бир овоздан маъқуллансин.

4. Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят Кенгаши ўртасида 2024-2026 йиллар учун тузилган ва тасдиқланган Ҳудудий жамоа Келишувига 2025 йил учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин (илова қилинади).

5. Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят Кенгаши ўртасида 2024-2026 йиллар учун тузилган ва тасдиқланган Ҳудудий жамоа келишувига киритилган 2025 йил учун киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни бир овоздан тасдиқлансин. (илова қилинади)

6. Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги барча тиббиёт муассасалари, вилоят ДПМлари ҳамда ШТБ ва ТТБ лари раҳбарлари ва барча даражадаги касаба уюшма раислари ва ташкилотчиларига:

- 2025 йил учун киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни соҳада ишловчи барча ходимларга тўлиқ таништириб борилсин.

- жойлардаги иш берувчилар ва уларни вакиллари ҳамда касаба уюшма раислари томонидан жамоа шартномаларини бажарилиши юзасидан доимий жамоатчилик назорати ўрнатилсин.

- Гармок жамоа Келишуви, Ҳудудий жамоа Келишуви ҳамда жамоа шартномаларида белгиланган барча бандларини иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан тўлиқ бажарилиши таъминлансин.

- Жамоа шартномасида белгиланган бандларни иш берувчилар томонидан тўла бажарилиши натижасида тиббиёт муассасасидаги ходимларнинг иш жойларидаги нафлилик даражасини ошириб борилишига эришилсин.

- Жамоа шартномаларининг 2024 йил давомида бажарилиши якуни бўйича икки томонлама ишчи комиссия томонидан бажарилиши юзасидан тегишли Далолатномалар тузисин ва бажарилмай қолган бандларни сабабларини аниқлаш билан бирга келгуси йилда тўлиқ бажарилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олсинлар.

- Бош Келишув, Тармоқ жамоа Келишуви, Худудий жамоа Келишувлари, Жамоа шартномалари орқали соҳа ходимларнинг иш жойидан кўраётган нафлилик даражасини йилдан-йилга ошириб борилиши таъминлансин.

7. Худудий Келишувнинг бажарилишини назорат қилиб боровчи икки томонлама вилоят ишчи комиссиясига:

- Худудий Келишув ҳамда тиббиёт муассасаларидаги жамоа шартномаларининг бажарилиши юзасидан бир йилда бир мартаба ўрганишлар олиб бориб, тегишли далолатномалар тузилган ҳолда, кенгайтирилган йигилишларда муҳокама этиб борилсин.

- бажарилмай қолган бандларни, йўл қўйилган камчиликларни келгусида такроран йўл қўйилмасин.

- Иш берувчи ҳамда қасаба уюшма кўмитаси томонидан Худудий жамоа Келишуви ҳамда жамоа шартномаларини барча тиббиёт муассасаларида тўлиқ бажарилишини таъминлансин.

8. Кадрлар бўлими бошлиғи ҳамда инспекторларига:

- Худудий жамоа Келишувини ҳамда Жамоа шартномасини муассасадаги барча ходимларга шунингдек, янги қабул қилинган ишчи ходимларга ҳам тўлиқ тадбиқ этилсин ва таништириб бориш вазифалари топширилсин.

- Муассасаларда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимга жойлардаги Жамоа шартномасини шунингдек, ички меҳнат тартиби қоидаларини тўлиқ таништириб борилсин.

- Жамоа шартномасини шунингдек, ички меҳнат тартиби қоидаларини кадрлар бўлими томонидан барча ходимларга шунингдек, янги қабул қилинаётган ишчи ходимларга ҳам имзоси билан тўлиқ таништириб бориш вазифаси топширилсин.

9. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилишни бошқарма бошлиғи А.Ш.Бобоев ҳамда вилоят Кенгаши раиси Д.А.Тухтаевлар зиммасига юклатилсин.

“Иш берувчилар номидан”

“Ходимлар номидан”

Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш  
бошқармаси бошлиғи  
Бобоев Алишер  
Шукруллаевич

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари  
қасаба уюшмаси Қашқадарё вилоят  
Кенгаши раиси Тухтаева  
Дилбар Алиевна

2025 йил «1» апрель



2025 йил «01» апрель

Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилояти Кенгаши раёсатининг 2025 йил 01-Апрел даги 8 -сонли ва 15-57 "с"-сонли қўшма қарорига

1-илова

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ  
ВА ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА  
УЮШМАСИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЎРТАСИДАГИ  
2024-2026 ЙИЛЛАРГА ТУЗИЛГАН ХУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИГА  
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1.1-банд биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“1.1. Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (бундан кейин матнда “бошқарма” деб юритилади) ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилояти Кенгаши ўртасида (бундан кейин матнда “Вилоят Кенгаши” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси (бундан кейин матнда “МК” деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунлари, Тармоқ касаба уюшмаси Устави, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид тузилган “Бош жамоа келишув” (бундан кейин матнда “БЖК” деб юритилади)га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2025-2027 йилларга тузилган тармоқ жамоа келишуви асосида тузилган ушбу Келишув куйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

2. 1.2- банд чиқариб ташлансин. Чиқариб ташланган 1.2-банд ҳисобига 1.3-1.23.- бандлар тегишлича 1.2.- 1.22.-бандлар деб ҳисоблансин.

3. 1.2-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

1.2. Мазкур Келишув шартлари бошқарма тасарруфидаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча муассаса ва ташкилотларда меҳнат муносабатларида турган иш берувчилар ва барча ходимларга, шу жумладан келишув кучга киргандан кейин ишга қабул қилинган шахсларга, шунингдек давлат тиббий сугургаги жамғармаси ва тиббиёт муассасалари ўртасида тиббий хизматлар хариди бўйича шартномалар тузган барча муассасаларга ҳам татбиқ этилади.

Муассасаларда ушбу келишув асосида жамоа шартномалари тузилади. Жамоа шартномалари бандларида белгиланган имтиёзлар ушбу келишувда белгиланган имтиёзлардан кам бўлишига йўл қўйилмайди.

4. 1.4.- бандга қуйидаги қўшимчалар киритилени:

“Иш ҳақини химоя қилиш тўғрисидаги” 95-сонли Конвенция;

“Ишчиларни иш жойида хаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш туфайли вужудга келадиган касбий хавф-хатардан химоялаш тўғрисида”ги 148 сонли Конвенция;

“Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида”ги 155-сонли Конвенция;

“Ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар; оплавний мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисида”ги 156- сонли Конвенция;

“Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаш тўғрисида”ги 175- сонли Конвенция;

5. 1.15.- банд қуйидаги тахрирда баён этилени:

Ягона музокара жараёни қуйидагича талбиқ қилинади:

Барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш;

Бошқарма ва Вилоят кенгаши ўртасидаги ҳудудий тармоқ келишувини – тегишли йилнинг феврал ойидан, муассасаларда жамоа шартномаларини эса –март ойидан кечиктирмай тузиш;

Жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш якунлари бошқарма ва Вилоят кенгашининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умимий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқишини.

6. 2.12.-банд қуйидаги тахрирда баён этилени:

Коронавирус инфекцияси ва бошқа глобал хавф хатарлар (Пандемия) даврида тарқалган инфекция билан зарарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрини босувчи шахслар, васийлар, хомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақдирланади.

7. Қуйидаги янги банд киритилени:

1.23. Тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва ходимларнинг меҳнатга оид ҳақ-хуқуқлари ҳамда манфаатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек ушбу лойиҳаларга доир таклифларни тайёрлашда, уларни вазирлик органлари ҳузурдаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларининг мажлисларида кўриб чиқишда қасаба уюшма органлари вакилларининг иштирок этиши таъминланади.

## 8. Қуйидаги янги банд киритилсин:

1.24. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар раҳбар ходимларига малака тоифаларини бериш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация саволларига ижтимоий шериклик, ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат қонунчилиги ҳамда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ҳақида саволларни киритиб борилади.

## 9. Қуйидаги янги банд киритилсин:

1.25. Вилоят кенгаши мутахассислари иштирокида соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги раҳбар шахслар ва масъул ходимларнинг муассасаларда ижтимоий шериклик тамойиллари, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилади.

### 10. 3.1. - банди:

Қуйидаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

профессионал таълим муассасаларининг барча ихтисосликлари ўқитувчилари учун йилига 800 соат.

“олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар учун 36 соат” жумласи “олий таълим ташкилотларининг ходимлари, ўқитувчи-профессорлар таркиби учун 36 соат” жумласига ўзгартирилсин.

Қуйидаги хатбоши чиқарилсин:

ижтимоий ходимлар учун 36 соат;

### 11. 3.7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.7. МКнинг 481 моддасига кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишнинг алоҳида тусига эга бўлган, яъни “Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шaroитлари ўта хавфли касб ва лавозимларда ( соғлиқ учун хавфли ва меҳнат ставкаларига қўшимча тўлов белгиланган ҳуқуқини берадиган ишларда) ишловчиларнинг МКда белгиланган йиллик асосий энг кам меҳнат татилига ёки ҳар йилги узайтирилган таътилига камида 12 кун миқдорида қўшимча таътил берилади.

Бундан ташқари иш жойлари аттестацияси бўйича хулосада белгиланган қўшимча таътилларни ҳамда МКда белгиланган бошқа қўшимча таътилларни қўшган ҳолда амалга ошириш.

*Масалан йиллик асосий энг кам меҳнат таътилига (21 кун) ёки ҳар йилги асосий узайтирилган таътили (муддати қонунчиликда белгиланган) +соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шaroитлари ўта хавфли касб ва лавозимларда ишлаганлик учун 12 кун+иш жойлари аттестацияси бўйича хулосада белгиланган (3дан 24кунгача) +МК 220-моддасига асосан (2 дан 8 кунгача) +МК 401-моддасига асосан 4 кун +ноқулай табиий-иқлим шaroитларида иш бажараётганлик учун (1 дан 6 кунгача) бўлиши мумкин. Ҳар йилги асосий ва қўшимча меҳнат таътилларини жамлашда МКнинг 222-моддаси талабларига риоя қилинади.*

12. 3.8.-банд қўйидаги тахрирда баён этилени:

3.8. Тармоқ ходимларининг МКда белгиланган йиллик асосий (21 календарь кун), шунингдек йиллик асосий узайтирилган (27 кундан 56 кунгача) меҳнат таътилига (3.7-бандида белгиланган ходимлардан ташқари) қўшимча таътил муддатларини белгилаш:

тиббиёт ва фармацевтика ходимларига - камида 9 календарь кун;

корхона, ташкилот ва муассаларининг раҳбар ва уларнинг ўринбосарлари, профессор-ўқитувчилар, маъмурий ва ўқув-ёрдамчи ходимлар ҳамда мутахассислар (хисобчи, иқтисодчи, хўжалик ишлар мудирини, муҳандис, юрист маслаҳатчи, кадрлар бўлими ходимлари ва бошқалар)га - камида 9 календарь кун;

ишчи касбларда ишловчи ходимлар (хайдовчи, электромонтёр, дурадгор, чилангар-сантехник, қоровул, бозбон, фаррош, ховли сугурувчи ва бошқалар)га - камида 6 календарь кун.

13. 3.9.-банд қўйидаги тахрирда баён этилени:

3.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги "Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлигини меъёрларини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 263 сонли қарорининг иловасида белгиланган муддатларда даволаш-профилактика муассасаларининг логопед, жисмоний ёки психик ва аклий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган санаторияларининг ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог, психолог, тарбиячи-методист, жисмоний тарбия йўриқчиси, сузиш бўйича йўриқчи, тарбиячи ёрдамчиларига узайтирилган меҳнат таътиллари белгиланади.

14. 3.10; 3.11; ва 3.12.- бандлар чиқариб ташланени.

Чиқариб ташланган 3.10-3.12.-бандлар ҳисобига 3.13.-3.26.-бандлар тегишлича 3.10.-3.23.- бандлар деб ҳисобланени.

15. 3.10.-банд қўйидаги тахрирда баён этилени:

3.10. Амалдаги қонунларда ва меъёрий ҳужжатларда назарда тутилмаган лавозимларда ишлаётган ходимларга қўшимча таътил олиш ҳуқуқини жамоа шартномаларида белгилаш.

16. 4.2-банд қўйидаги тахрирда баён этилени:

4.2. Бошқарма тасарруфидаги бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби амалдаги соғлиқни сақлаш тизими меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси билан тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган шартнома асосида молиялаштириладиган тиббиёт муассасаларида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг алоҳида тартиби қўлланади.

17. 4.4.-банд қўйидаги тахрирда баён этилени:

4.4. Бошқарма тасарруфидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилган муассасаларда ишловчи бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби амалдаги соғлиқни сақлаш тизими бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

18. 4.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

*4.5. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишини ҳудудий кенгаи билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси таъкилотни сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлайди.*

19. 4.6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

*4.6. Ақциядорлик жамиятига айлантирилган тиббиёт муассасалари ходимларини, моддий рағбатлантириш жамоа шартномаси ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади.*

20. 4.8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.8. Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби соғлиқни сақлаш тизими ходимларини рағбатлантириш тартибини белгиловчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

21. 4.10. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.10. МКнинг 299-моддасига биноан меҳнат учун рағбатлантириш барча давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларни моддий рағбатлантириш амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ амалга оширилади.

22. 4.12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.12. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини тайинлаш ва тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги "Айрим турдаги нафақаларни тайинлаш ва тўлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 314-сон қарори 1-илоҳасига асосан:

- байналминнал-жангчиларга, қармоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳоли килувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқинсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, меҳнатда майбланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлган ходимларга, пандемия, техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолларда, ушбу фавқулодда вазиятларга сабабчи бўлган инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ва 14 ёшгача бўлган боласини парварини қилаётган ота-оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахслар,

васийлар, хомийлар)-вақтинчалик меҳнатга лаяқатсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан катъий назар, ўртача иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда ўртача ойлик иш ҳақининг 60% дан 100% гача;

- бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда ўртача ойлик иш ҳақининг 60% дан 80% гача;

**23.** 4.13-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.13. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва МКнинг 208-моддасида белгиланган байрам кунларида меҳнат учун ҳақ тўлаш учун МКнинг 262-263-497-моддаларида белгиланган тартибларда камиди икки ҳисса миқдорда ҳақ тўлаш, МКнинг 264-моддасида белгиланган тартибларда ходимга тунги вақтда ҳақиқатда ишлаган ҳар бир соати учун камиди бир ярим баривар миқдорида тўловлар амалга оширилади.

Жамоа шартномасида касаба уюшмаси кўмитаси билан келишувга кўра иш берувчи томонидан қабул қилинган ички ҳужжатда, меҳнат шартномасида кўшимча тўловларнинг юқорироқ миқдорлари назарда тутилгани мумкин.

Мазкур ҳаражатлар ташиқлот ва муассасаларда бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

**24.** 4.14-банддан куйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.14. Смена ёки навбатчилик асосида иш ташиқлот этиладиган соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимларнинг навбатчилик вақтидаги соат 18-00 дан 22-00 гача бўлган даврдаги иш вақтини "кечки вақт" ёки "кечки смена" сифатида белгиланади ҳамда ходимга ушбу вақтда ҳақиқатда ишлаган ҳар бир соати учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг 30 фоиз миқдорида кўшимча ҳақ тўланиши жамоа шартномасида, касаба уюшма кўмитаси билан келишувга кўра иш берувчи томонидан қабул қилинган ички ҳужжатда, меҳнат шартномасида белгилиши мумкин.

Мазкур ҳаражатлар ташиқлот ва муассасаларда бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

**25.** 4.24-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.24. МКнинг 370-моддасига асосан ходим қайта тайёрлаш ёки малака ошириш ихтиёрий равишда амалга оширилса, иш берувчи қайта тайёрлаш ёки малака ошириш вақтида ходимнинг иш жойини (лавозимини) сақлаб туриши шарт. Ходимнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласи жамоа шартномасида, иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган ички ҳужжатда ёхуд меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳал қилиниши мумкин.

**26.** 4.30-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.30. Касаба уюшмасининг барча бўғин ташкилотлари ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаб, уларнинг малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўлашини устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

27. 6.5-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

6.5. Муассасаларидаги ҳар бир иш берувчи Меҳнат кодекси 353, 363 моддаси, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасиг асосан меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар бюджет маблағлари ҳисобидан, хўжалик ҳисобидаги муассасалар ўз маблағлари ҳисобидан жамоа шартномасида, шунингдек жамоа келишувларида ҳамда муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиш Битимида белгиланган миқдорда ажратади.

Ҳар бир иш берувчи базовий ҳисоблаш миқдорининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдорда меҳнат шaroити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни белгиланган муддатда махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситалари билан бепул таъминлайди;

Меҳнат шaroити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари) смена давомида 0,5 литрдан кам бўлмаган миқдорда сут маҳсулоти ҳамда даволаш профилактика озиқ-овқат, газланган тузли сув билан бепул таъминлайди.

меҳнат шaroити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни белгиланган нормалар бўйича ойига 400 грдан кам бўлмаган миқдорда гигиена (ювиш, антицептик) воситалари билан таъминлайди.

Бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бериш меъёрларини ҳамда зарур бўладиган маблағлар миқдорини жамоа шартномаларида белгилайди.

27. 6.8-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

6.8. Барча тиббиёт муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси ташкил этилади.

28. 6.13-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

6.13. Меҳнат кодексининг 359-модда, 361 модда, меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонуннинг 14 моддасига асосаниш берувчилар ҳар беш йилда камида бир марта Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.09.2014 йил 263-сонли қарори) асосида иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан шаҳодат (аттестация)дан биринчи навбатда куйидаги иш ўринларини аттестациядан ўтказилишини таъминлайди:

меҳнат шaroитлари бўйича ходимларга белгиланган тартибда имтиёзлар ва компенсациялар назарда тутилган иш ўринлари (Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида НИЗОМнинг 2-илоvasи);

ногиронлар банд бўлган иш ўринлари;

имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва кўрсаткичлар (ВМ 1994 й 250-сонли қарори 2-рўйхат 1 қисми, 3 рўйхат 1 қисми).

29. 6.17.- бандда:

а) учинчи хат бошиси қуйидагича тахрир этилсин.

малака ошириши зарурлиги аниқланган бошқа шахсларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган мудатларда ўқитишни ташкил қилади ҳамда билимларни текшириб, тегишли гувоҳномалар билан таъминлайди.

30. Қуйидаги мазмундаги янги "6.25.-банд" қўшилсин:

"6.25. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловини барча номинациялари бўйича ("меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган ташкилот", "ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг яхши қасаба уюшма ташкилоти", "Энг яхши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил", "меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис") ўтказди ва голиблани рағбатлантиради.

31. 8.7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

8.7. Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшгача бўлган бола (18 ёшгача - ногирон фарзанди) ота-онасидан бирининг (ота-онанинг ўрнини босувчи шахснинг), шунингдек онланинг ботоб аъзосини парваришлашни амалга ошираётган шахснинг ишлаган ҳақиқий вақтларига ҳақ тўлаган ҳолда уларнинг аризаларга ҳамда тиббий ҳулосага кўра тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилани мумкин.

32. 8.11.-банди қуйидагича тахрир этилсин ва янги 8.11.1.-8.11.5 тағбандлар қўшилсин:

8.11. жамоа шартномаларида аёлларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалалари назарда тутиш мумкин, шу жумладан:

8.11.1. Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунни узайтириш;

8.11.2. Болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш

8.11.3. Таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

8.11.4. Хотин кизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

8.11.5. Хотин-кизлар учун саёҳатларни ташкил этиб бориш;

33. Қуйидаги мазмундаги янги "8.12.-банд" қўшилсин:

8.12. Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий қафолатларини таъминлаш борасида ХМТнинг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

"Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида"ги 29-сонли Конвенция;

"Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-кизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида"ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;  
“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;  
“Меҳнат ва уни турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли  
Конвенция.

34. 11.1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

11.1. Келишувга 2025-2026 йиллар учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, тарафлар томонидан имзолангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Камбағаликни қисқарттириш ва бандлик вазирлигининг ҳудудий бўлими меҳнат инспекциясига хабардор қилиш тартибида рўйхатга олиш учун юборилади. Ҳудудий Жамоа келишувининг кучга кириши уни хабардор қилиш тартибда рўйхатга олиш фактига боғлиқ бўлмайди. Янги ҳудудий жамоа келишуви қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Мазкур йиллар давомида томонлар Келишувнинг бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин. Улар томонларнинг розилигига кўра қабул қилинади.

Тарафлар мулкдори алмашганда, қайта ташкил этилганда, номи ўзгарганда Келишув ўз кучини сақлаб қолади.

35. 11.2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

11.2. Келишувнинг бажарилишини назорат уларнинг тарафлари, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Камбағаликни қисқарттириш ва бандлик вазирлигининг ҳудудий бўлимининг тегишли органлари ҳамда бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

36. 11.3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

11.3. Келишувга имзо чеккан томонларнинг ҳар бири уни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида маъсулиятни таъин олади ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олади.

37. 7.2., 7.5., 7.12., 9.4.-бандларидаги “Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари” сўзларини “Олий ва профессионал таълим ташкилотлари” сўзларига ўзгартирилсин.

Қабул қарар<sup>1</sup> Велорту Камбағаликни қисқарттириш ва бандлик вазирлигига  
2025 йил 23 майда 12-сон билан  
рўйхатдан ўтказилди.  
Мирзаев Ю. Шодманов



180108, Qarshi shahar, Islom Karimov ko'chasi  
243-uy Tel/faks: (0-375) 225-06-36,  
web-site: www.soglik.kasaba.uz

180108, г. Карши, у. Ислама Каримова  
д-243 Тел/факс: (0-375) 225-06-36,  
web-site: www.soglik.kasaba.uz

№ DT -01/63  
«18» aprel 2025 yil

**Qashqadaryo viloyati Kambag'allikni  
qisqartirish va bandlik boshqarmasi  
boshlig'i F.J.Muhammadiyevga**

**Hurmatli Faxriddin Jalolovich,**

Qashqadaryo viloyati Sog'liqni saqlash boshqarmasi hamda O'zbekiston Sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasining Qashqadaryo viloyat kengashi o'rtasida 2024-2026 yillar uchun mo'ljallab tuzilgan Hududiy tarmoq kelishuvining 2024 yilda bajarilishi ko'rib chiqildi hamda 2025 yil uchun o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi.

Yuqoridagilarga asosan Hududiy jamoa kelishuviga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalarni davlat ro'yxatidan o'tkazilishida amaliy yordam berishingizni so'rayman.

Ilova \_\_\_ varaqdan iborat.

**Hurmat bilan,**

**O'zbekiston Sog'liqni saqlash  
xodimlari kasaba uyushmasining  
Qashqadaryo viloyat Kengashi**



*D. T. Tuxtaeva*

**D.T.Tuxtaeva**